

"Қадриятлар ойлиги" доирасида Талабалар фестивали бўлиб ўтди.

// 23 апрел 2024 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/qadriyatlar-oyligi-doirasida-talabalar-festivali-bulib-utdi>



Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технологиялари университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида "Қадриятлар ойлиги" доирасида Талабалар фестивали ўтказилди. Фестивалда профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда нуронийлар иштирок этишди.

Тадбирда дастлаб "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида вокал, рақс, рассомчилик кўрик танловлари ва спорт, интеллектуал ўйинларда ғалаба қозongan, жамоат ишларида фаол бўлган талаба ёшлар тақдирланди.



Кўтаринки руҳда ўтган фестивалда ёшлар ўзбек ва турли миллатлар миллий анъаналарини ўзида акс этган кўرғазмалари билан иштирок этишди. Осиё ва Европа миллатларининг миллий кийимлари, рақслари ва таомлари иштирокчилар ва меҳмонларга намойиш этилди.













"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати